

Ўзбекистон ёзи

Кундалик ижтимоий-сиёсий рўзнома

РЎЗНОМА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 201 (21. 068) 1991 йил 16 октябрь, чоршанба ● Йилга 256 марта чиқади. ● Баҳоси 8 тийин.

РЎЗНОМА САҲИФАЛАРИДА:

Республикамизда яшовчи ҳар бир фуқаро миллати, йрқи, дунёқарашидан қатъи назар Ўзбекистоннинг мустақиллигини баъ-баравар манфаатдор эканлигини юракдан ҳис этгинини.
Публицист А. Иброҳимов «Тақдир масъуляти» мақолада мустақиллигимизни мустаҳкамлаш ҳақида мулоҳаза юритади.
● (2-БЕТ)

Ўзбекистон Халқ-Демократик партиясининг Низомига «Партия ва ёшлар» бўлимидан сўнг «Фахрийларга муносабат» деган бўлим ёки алоҳида бир модда киритилса...
Уруш ва меҳнат фахрийси С. Исмоилов шундай тақдирни билдиради.
● (3-БЕТ)

Қишга тайёргарлик — шу кундаги бош вазифа. Республикаимизнинг энг йирик саноат шаҳри Тошкентда қиш мавсумига тарадуд қандай?
«Ўзбекистон овози» мухбири М. Мирзамухамедова шу хусусда фикр юритади.
● (4-БЕТ)



МУСТАҚИЛЛИКНИ АҲИЛ БЎЛИБ САҚЛАБ ҚОЛАЙЛИК

ТОШКЕНТАДАГИ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ОЛИЯ ТАЪЛИМҲОҶИ ЖАМОАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МЕҲНАТКАШЛАРИГА МЎРОЖААТИНИ ЎҚИБ

ЭРТАНИ ЎЙЛАСАК

Мустақил Ўзбекистоннинг эртанги куни ҳаммамиз ва ҳар биримизнинг қўли-қўлга бериб шижоат билан ишлашимизга боғлиқ. Шундай экан, бунда айниқса, миллатлараро муносабатларнинг барқарорлигига эътибор бериш керак. Ахир у — инсоният ҳаётининг энг нозик, ўта таъсирчан жиҳатларидан бири. Миллатлараро муносабатлар учун ҳар биримиз қафилмиз.

Бугунги кунда Орол фожияси қўлгина минтақаларга етиб борди. Бундан биргина қорақалпоқ азият чекаётгани йўқ. Ўзбек, қозоқ, тоjik, қирғиз, туркман, рус, корейс ва бошқа халқлар ҳам Орол тўфайли оғир, мураккаб муаммоларни бошдан кечирмоқда.

Биз Орол хусусида кўп йиллардан бери бонг уряпмиз. Олимлар, адиблар, жамоатчилик Орол денгизи ҳалокати ҳақида тинимсиз қайғуришпоти. Турли анжуманлар, хайриялар ўтказилляпти. Бу яхши, аммо денгизни сақлаб қолиш ҳақида ўйлашимиз керак.

Биз дўстлик билангина қудратлимиз. Биргина менинг ўзим атоқли ўзбек, рус олимлари қўлида таҳсил олганман. Ўз навбатида шоғирларим орасида турли миллат фарзандлари ҳам бор. Бу эса илм-фан йўлида тинимсиз ишлашга ундамоқда.

С. КАМОЛОВ.

Ўзбекистон Фанлар академияси академиги.

ТАСКИН КҮНГИЛ Н И Д О С И

Мен Тошкентга урушдан кейинги оғир йилларда Эстониядан келганман. Мана шунга ҳам қарийб 40 йил бўлиб қолди. Утган вақт ичида Ўзбекистон мен учун қадридон макон, она-Ватанга айланди, десам янглишмайман.

Чунки, шу юртга келиб бахтимни топдим. Ошляни бўлиб, фарзандлар тарбияладим. Қўни-қўшни, таниш-дўстлар орттирдим. 40 йилдан бунга ишлаб келаётган жопамон корхонамда эса меҳнатим қадрланиб, кўпчилиги ҳамкасбларимнинг ҳурматига сазовор бўлдим.

Албатта, мамлакатдаги оғир ижтимоий-сиёсий аҳвол бизни ҳам ташвишлантиради. Бироқ, бизнинг Ўзбекистонда ижтимоий вазият барқарорлиги, жумҳурият ҳукумати бу йўлда сайёҳ-ҳаракатларини аяматганлиги кўнглимизга таскин беради.

Баъзан Эстониядан қариндошларим «Эльфрида, сизларда аҳвол яхшими?» дея қўнғироқ қилиб қолишди. «Ҳа, тинчлик», дея жавоб бераман. Очғини, улар жумҳуриятимиз ҳақида марказдаги оммавий ахборот воситалари тарқатган ёлгон, миш-мишларга асосланган хабарларни эшитиб хавотирланишпоти.

Дарвоқе, Ўзбекистон ўз мустақиллигини эълон қилгандан кейин жумҳурият мустақиллигига, унинг ҳалқлар ўртасидаги дўстлик ва бирдамликка турли хил йўллар билан раҳна солишни истаётганлар ҳам топилиб қоляпти. Улар узокдан туриб бўлса-да, биздаги барқарорлигини, осяишталлигини бузишга интиляшпоти.

Мустақиллик ҳаммамизники, Шундай экан, эндиликда Ўзбекистонни қадрдон макон деб билган ҳар қандай миллат вакиллари биргаликда ҳамжихатлик билан мустақилликни ҳимоя қилишимиз, уни авайлаб-асрашимиз, бу юртда яшаётган барча халқлар ўртасидаги дўстликни янада мустаҳкамлаб, жумҳурият тараққийоти йўлида самарали меҳнат қилишимиз зарур. Ана шунда уйимиз тинч, ҳаётимиз осуда, юртимиз фаровон бўлади.

Эльфрида ПРОВОТОВОРА, Тошкентдаги «Орзу» чарм-атторлига ва спорт бутумлари ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчиси.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурда қабул

Кемеро вилоят Советининг раиси, РСФСР халқ депутати А. Г. Тулеев бошчилигидаги Кемеро вилоят делегацияси Тошкентда меҳмон бўлиб турибди. Делегация республикамиз пойтахтига Тошкент вилояти ва Кузбасс ўртасида ўзаро манфаатли шартнома тузиш учун халқ депутатлари Тошкент вилоят Советининг таклифига биноан келган.

ИҚТИСОДИЁТНИ БАРҚАРОРЛАШТИРИШ ОМИЛИ


Мамлакат ҳаётида юз берган иқтисодий танглик, хўжалик алоқаларининг узил-кесил раҳбарлардан аҳолини ўнглаш учун кечинтириб бўлмас чора-тадбирларни қўришни талаб этмоқда. Вазиятнинг яхши тушунишга талбиркор раҳбарлар имконият излаб, бошқа минтақалар билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнаттириш, иқтисодиётни барқарорлаштиришнинг аниқ чораларини кўришпоти.

Кўни кеча Тошкентда бу йўлда хайрли ишга қўл урилди. Тошкент вилояти раҳбарлари Россия Федерациясининг Кемеро вилоят иқтисодий раҳбарлари билан ҳамкорлик шартномасини имзоладилар.

Ушбу битимга қўра, томонлар Тошкент вилояти ва Кузбасс ўртасидаги азалий иқтисодий ҳамкорликни ҳамда маҳсулот алмашув муносабатларини ҳисобга олиб, ўзаро хом ашё, маҳсулот ва буюмлар етказиб беришни 1991—1992 йилларда ҳам сақлаб қолишга келишиб олдилар. Шу тариқа эндиликда бу икки вилоят шаҳар ва районлари, халқ хўжалигининг турдош корхоналари ўртасида икки томонлама фойдала алоқаларга кең йўл очилди.

— Кузбасс иқтисодиёти бой минтага, — дейди делегация раҳбари, Кемеро вилояти Кенгаши раиси С. Тулеев. — Бизда йилга 19 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди, Ленин бу — бизда ҳамма нарса етарли дегани эмас. Ҳозирги бозор муносабатларига ўттиш шартинида бевосита вилоятларнинг тўғридан-тўғри алоқаси иқтисодиётни тиклашга бирмунча ёрдам беради. Шу боис, биз Тошкент

А. ВОЛИЕВ, «Ўзбекистон овози» махсус мухбири.



МУБОРАК РАЙОНИ

Қашқадарё вилоятда бу район иккинчи бўлиб галабани қўлга киритди. Қабул пунктларига 27 минг тоннадан зиёд «оқ олтин» топширилди. Ҳосилнинг асосий қисми юқори навларга сотилди. Ингир-теримда машиналар ҳал қилувчи роль ўйнади. 91 фоздан зиёд ёки 25 минг тонна пахта териш агрегатлари бункеридан тўкилди.

УЛЬЯНОВ РАЙОНИ

Вилоятда юк оғир Ульянов райони заршунослари ҳам дастлабки маррадан ўзиб, қабул пунктларига режадаги 58 минг 300 тонна ўрнига 60 минг тонна пахта топширдилар. 90 фоз ҳосил юқори навга сотилди. Далаларда 500 та терим агрегати ишлади.

УСМОН ЮСУПОВ РАЙОНИ

Қўриқ Усмон Юсупов райони пахтакорлари давлатга 45 минг тонна пахта топширишди. Ҳозир мажбурият ҳисобига пахта сотилаётир. Шунингдек, вилоятнинг Гўзор, Қарши, Косон, Чироқчи районлари пахтакорлари ҳам дастлабки доvon бўсағасида турибдилар. М. КАРОМОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

ФРУНЗЕ РАЙОНИ

Фрунзе райони пахтакорлари Фарғона водийсида биринчи бўлиб давлатга пахта топшириш йиллик режасини бажардилар. 33 минг тоннадан зиёд қимматли саноат хом ашёси тайёрланди. Ҳосилнинг 95 фозидан ортиги юқори навларга сотилди. Мавжуд 11 минг 200 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 30 центнердан ошириб ҳосил олинди. Унинг 70 фозига яқини «зағори кема»-лар бункеридан тўкилди.

А. ИВОДИНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

ДУСТЛИК РАЙОНИ

Қўриқ Дустлик райони пахтакорлари йиллик режани муваффақиятли ундадилар. Давлат қабул жойларига 58 минг тонна «оқ олтин» етказиб берилди. Жами ҳосилнинг 98 фозини маляналарда териб олинди. Вилоятдаги энг оғир карвонли районнинг муддатидан олдин маррага етиб келишида вилоятда биринчи бўлиб йиллик маррани ағаллаган Қ. Раҳимов номли давлат хўжалиги, Ленин номи, «Октябрь 50 йиллик» давлат хўжаликлари муносиб улуш қўшдилар.

Б. САТТОРОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

ОҚОЛТИН РАЙОНИ

Район пахтакорлари режадаги 62900 тонна ўрнига 63000 тонна ҳосил етказиб, режани мудда-



ПЕШҚАДАМЛАРДАН НАМУНА ОЛАЙЛИК!

„ОҚ ОЛТИН“ хирмонига

Республикамиз вилоятларида пахта тайёрлашнинг бо-риши тўғрисида шу йил 15 октябрга бўлган МАЪЛУМОТ

(режага нисбатан фоз ҳисобида)

Биринчи усту — вилоятлар, иккинчи усту — режага нисбатан бир кунда тайёрланган пахта, учинчи усту — масвум бошдан буён, тўртинчи усту — бир кунда на-шанида терилган пахта, бешинчи усту — масвум бошдан буён

БУХОРО	1,52	100,09	1,25	77,57
Фарғона	1,57	95,58	1,25	88,64
Қашқадарё	2,28	90,66	2,49	99,34
Сирдарё	2,09	86,51	2,28	98,10
Жиззах	2,32	85,92	2,78	105,57
Сурхондарё	2,64	81,74	3,09	90,35
Наманган	2,91	79,60	3,07	89,06
Анджон	2,74	78,67	3,14	85,68
Тошкент	2,89	75,92	3,19	84,43
Самарқанд	2,73	70,53	3,12	75,80
Хоразм	1,58	61,71	1,23	34,75
Қорақалпоғистон Республикаси	1,96	58,64	1,88	59,09
Республика бўйича	2,25	81,67	2,46	84,96
Шу жумладан ингичка толали пахта	3,02	80,96		
Сурхондарё	3,02	78,48		
Қашқадарё	2,66	69,51		
Бухоро	2,88	62,32		
Наманган	0,99	27,01		
Анджон				
Республика бўйича:	2,99	79,14		

тидан илгари адо этдилар. Шу шартинида мавжуд 25000 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 25 центнердан ошириб ҳосил олинди. Йил ҳосилнинг 90 фозини юқори навларга қабул қилинди. Усмон Носир номи давлат хўжалиги йиллик режада тақдирчи 1000 тонна, А. Тоиров номи давлат хўжалиги 750 тонна, «Фарғона» давлат хўжалиги 1150 тонна, «Анджон» давлат хўжалиги 350 тонна, «Сардоба» давлат хўжалиги 200 тонна «оқ олтин» тайёрлашиб, район хирмонида салмоқли улуш қўшдилар. Район пахтакорлари ялли «оқ олтин» хирмони-ни 70 минг тоннага етказиш учун курашмоқда. А. АВДУХАМИДОВ.

Хўжалигимиз илгорлар қаторида давлатга пахта сотиш йиллик режасини ошган билан адо этди. Ҳосилдорлик гектар бошига 25,5 центнердан ошди. Ниятимиз энди бу кўрсаткиччи 30 центнерга етказишдир. Мухтор Ҳайдаров, Тошўлат Шониров, Раимберди Жўраев, Саидбой Отабеков, Раим Тўраев, Салим Жўлбековлар бош бўлган бригадаларда ҳосилдорлик ҳозирнинг ўзидаёқ 30 центнердан ошиб кетди. Ҳосилнинг асосий қисми техника ёрдамида териб олинди.

Ушбу рақамларни тилга олишдан мақсад — бу йилги даромадининг ҳар қачонгидан ҳам юқори бўлишини таъкидлашдир. Пахтачиллигининг ўзидан 6 миллион сўм соф фойда олиш кўтилмоқда, шунингдек чорвачиликдан ва

ИЗЛАГАН ИМКОНИЯТ ТОПАДИ 700 КИШИГА БЕПУЛ ОБУНА

Бошқа эканлардан ҳам 1 миллион сўм фойда қиламиз, қўриқиб турибдими, жамоа аъзоларимизнинг иш ҳақлари ҳам анчагина ошади. Бозор иқтисодиётига ўтилиши муносабати билан рў-

нома ва ойномаларнинг обуна нархлари ҳам кўтарилди. Шунинг ҳисобига олиб хўжалигимиз тарихида илк бор хайрли ишга қўл урдик. Хўжалигимизда яшаб меҳнат қилаётган 700 кишини «Ўзбекистон овози» рўзномасига хўжалик ҳисобидан бепул обуна қилишга қарор қилдик.

Биз жумҳуриятимизнинг бош рўзномаларидан бири — «Ўзбекистон овози» ўз саҳифаларида қишлоқ меҳнаткашларининг қувонч ва ташвишларига яна кўпроқ шерик бўлади, деб умид қиламиз ҳамда рўзноманинг илқодий жамоасига катта муваффақиятлар тилаймиз.

С. РАҲМОНҚУЛОВ, Бойвўт районидagi Ленин номи жамоа хўжалиги бошқарувиининг раиси.

Эшитмадим, деманглар!

● РЕСПУБЛИКАДА

МОЙЖУВОЗ ҚУВВАТИ
Учқўрғондаги «Анджон» жамоа хўжалигида ёрдамчи тармоқларни ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда. Хўжаликда электр мойжувози қўрилиб, ишга туширилди. Бу ерда чигит, эғир ва кунгабоқар мойи тайёрланаётир.

Мойжувоз тўла қувват билан ишлаганда бир соатда ярм тонна урулган мой олиш мумкин.

● АҲОЛИГА ИССИҚ НОН

Кўргонтепа нон маҳсулотлари комбинатида печене тайёрлаш учун ишлаб чиқариш линияси монтаж қилинмоқда. Ҳар кун бу ерда минг килограммагача печене тайёрланади.

● МАМЛАКАТДА

СССР Президентининг АЙТАНЛАРИ
СССР Президенти М. С. Горбачев мустақил республикаларнинг раҳбарлари СССР Давлат Кенгаши мажлисида иқтисодий ҳаммаият тўғрисида шартнома имзолаш хусусида эришилган ақдономани юқори баҳолади. Бу ҳақда у Бутуниттифоқ давлат телекўрсату ва радиозинтириш

● ХОРИЖДА

ДАВРА СУҲБАТИ
БМТнинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги Фаолият, инти-мой адолат ва иқтисодий нотенглик, халқаро ҳуқуқ ва инсонларварлик масалалари, мабуот эркинлиги ва жур-налистларнинг хавфсизлиги сингари масалалар халқаро давранинг мавзундир. Давра суҳбати Миллатлар ҳам-иятининг қароргоҳида ўчун давом этди.

ПОЯНГАНИНГ ИЛК ҚАТНАШЧИСИ
Калифорния штати соби губернатори Ж. Браун АКШ Президенти лавозими учун сайловди курашида қатнаш-моқчи эканини эълон қилди.

ЗАФАР МУБОРАК

Бухоро вилояти пахтакорлари республикада биринчи бўлиб йиллик маррани эгаллашди

БУХОРО вилояти пахтакорлари дастлабки довлани эгаллашди. Пахта тайёрлаш йиллик режаси мундтаздан илгари адо этилди. Узбекистон мустақиллиги шарафига 450 минг тонналик улкан хирмон бунёд этилди.


Зафар маррасига осонликча эришилган йўқ. Табиат йил бошидан деҳқонни синовга тутди. Эрта баҳорда юз берган сел-ёмғирлар 30,5 минг гектарга экилган чигини ювиб кетди.

Аммо бухоролик деҳқонлар шовиб қолмади. Маана шу пайтда вилоят хўжа-

лари карвонбошлик қилдилар.

Далаларимиздаги ҳосилни қор-ёмғирга қолдирмай, вақти бой бермаслик учун ҳамма фидокорлик кўрсатмоқда. Ҳар бир бухоролик деҳқон йиллик режа бажарилган бўлса ҳам умумхалқ хирмонига қўшилган ҳиссани кўпайтириш учун билан шимариб пахтазорга чиққан. Бу ҳиссани 30 минг тоннага етказиш мажбуриятини олди.

Ҳозиргача ҳар гектар ердан кўтарилган ҳосил 29 центнерни ташкил қилди. Пахтанинг 94 фоизи биринчи ва иккинчи нав билан давлат қабул пунктларга топширилди. Бу маҳсулоти селекционер олимларимиз еттиштирган «Бухоро-6» таъшир навининг шарофатидир. Вилоят экин майдонларининг асосий қисмида маана шу навни жойлаштирганмиз.



Суратларда: 1. Шофиркон районидagi «Шофиркон» жамoa ҳўжалигининг илгор термичиси Зулайё Ғайбуллаева. 2. Жондор районидagi «Коммунизм» жамoa ҳўжалиги бригадasi бошлиги Азиз Қадиров. 3. Шу райондagi Т. Салимов номли жамoa ҳўжалиги механик-ҳайдовчиси Раззоқ Сатторов ва бош агроном Нарзулло Рўзиев. 4. Шофиркон районидagi Ленин номли жамoa ҳўжалиги илгор термичилари Гулшода Қурбoнова билан Милоҳат Жумоева.

ПУДРАТ ҚЎЛ КЕЛДИ

Президентимиз Фармондан кейин жамoa ҳўжалигимиздаги барча хотин-қизлар енг шимариб далага чиқдилар. Мен, Зулайё Жумоева, Мохира Саидова, Забо Утабоева сингари дўгоналарим билан куч синишиб, ҳозиргача ҳар биримиз 5-6 тонналик хирмон уйдик.

Механиктерларимиз ҳам гайрат билан ишлашди. Исроил Бозоров, Раҳмат Азизов, Мухиддин Улугов, Назар Бозоровларнинг ҳар бири теҳникага таъиниб, 140-150 тоннадан пахта терилди.

Шундай фидокорлик тўғрисида йиллик режани биринчи қатори адо этдик. Ҳозиргача белгиланган қўшимча қилиб 400 тонна юқори сифатли хом ашёни давлатга топширдик. Ҳосилдорлик гектар эгдиги Бақшўлла Шўруллаев, Шариф Қодиров, Яхё Ражабов, Жўра Уринов каби теҳрирчи пахтакорлар бошлик бригадалар 35 центнерлик маррани ортида қолдирдилар.

План бажарилган бўлса ҳам ҳеч кимнинг гайрати сўйсанган йўқ. Бизнинг ҳўжалигимиз пахтакорлари мавсум охиригача мажбурият ҳисобидagi хирмонини 500 тоннага етказишди.

Ю. РАМАЗОнова, Бухоро районидagi «Москва» жамoa ҳўжалиги термичиси.

ҒАМХЎРЛИК ШАРОФАТИ

ликларида ижара ва онла пудратини кенг қўлланиш ўз натижасини кўрсатди.

Бу йил 30 мингта экин онла ижара пудрати асосида, 15 мингта экин хонадор оилавий пудрат асосида меҳнат қилди. Улар 40 минг гектар майдонда деҳқончилик қилиб, енг юқори ҳосилдорликка эришдилар. Олот районидан Исmoil Ҳамроев, навоийлик Роҳат Шарипова, қорақўллик Ҳамро Қўрбoнов, ромитанлик Сафо Саидов сингари ўнлаб ва юзлаб тадбиркор пудратчилар эл орасида шўҳрат қозондилар. Уларнинг ҳар бири 50 центнерлик маррага етишди.

Еттиштирилган умумий ҳосилнинг деярли 160 минг тоннаси машиналар бункиридан бўшатилди. Ромитанлик Аҳтам Болтаев, олотлик Сайфулла Расулов, воёкентлик Маҳмуд Акрамов, қорақўллик Мурод Эргашев, шофирконлик Қамом Усмонов сингари дала гвардиячилари ҳали мавсум тугамасданок 200 — 250 тонналик хирмон уйдик.

Узбекистон Президентлиги ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг механизатор ва термичиларнинг меҳнатини моддий рағбатлантириш бўйин-

манфаатдорлик тадбирлари билан эришиш мумкин эканлигини яна бир қарра исботлади.

Бу йил совет, жамоат ораганлари ва ташкилотлар/йигим-терим масалаларига ариалашганлари йўқ. Барча даражадаги раҳбарлар бу соҳада уларга тўла мустақиллик бериб, меҳнат кишишига шароит яратиш муаммоларини ҳал қилиш билан шуғулланишди.

Натижа кутилганидан ҳам эинда бўлди. Йиллик пахта тайёрлаш режаси 35 кунча ушталди. Маана, учинчи йил бўлганлиги, бухоролик пахтакорлар четдан ерданчи олмай, кўтилган мақсадга эришмоқдалар. Олотлик пахтакорлар ғалаба манзилга биринчи бўлиб етидилар. Ромитан, Бухоро, Жондор, Қорақўл, Воёкент, Ғиждувон район пахтакорлари биринчи қўлланган маррага эришдилар.

Йигим-терим мусобақасида Олот районидagi Ф. Хўжаев номли, Бухоро районидagi «Партия XXVII съезди», Воёкент районидagi Қамом Муртазоев номли, Ғиждувон районидagi «Зарафшон», Қорақўл районидagi Карл Маркс номли меҳнат жамoa-

Узбекистон Республикаси мустақиллиги эълон қилинган йил бухороликлар томонидан баракали яқунланган. Вилоят деҳқонлари нафақат пахтачиллик, балки пиллачиллик, чорвачилик, сабзавотчилик, соҳибкорлик сингари соҳаларда ҳам ажибий муваффақиятларни қўлга киритдилар. Бу эса келажакда умид билан қараш учун ажиб асосидир.

Вилоят меҳнатчилари ўзбекистон Республикаси раҳбариятининг сиёсий ва иқтисодий мустақиллик сари кўнган дадил қадамларини қўллаб-қувватлаш учун бундан кейин ҳам куч-гайратларини аймайдилар.

Д. ЕДГОРОВ, халқ депутатлари Бухоро вилояти Кенгашининг раиси.

ҚЎШИМЧА ҲОСИЛ—ДАРОМАДГА БАРАКА

Далаларда ҳосил баранаси ўчганига йўқ. Ўз имкониятларини чамаалаб, яна 300 тонна ош ашё топширишга қарор қилдик. Зеро, қўшимча ҳосил турмушимиз маъмуричилигининг муҳим шартидир.

Айниқса, Республика Президентининг «Колхозлар совхозлар ва бошқа қишлоқ ҳўжалик корхоналари томонидан пахта толаси ва пиллансини сотиш масалаларини тўғрисида»ги ҳамда жамoa ҳўжаликларини солиқлардан озод этиш ҳақидаги фармонларини моддий мадфаатдорликни кескин ошири-

алоҳида эътибор берилганлиги. 376 гектар майдонни уй-жой ва томорқа ҳўжалигини учун қишлоқ хонадорларига улашиб бердик. Ҳўжаликда еттиштирилган 110 тонна бўғдой ва мажмуақўри дон меҳнатчилар ўхтижи учун тақсимлаб берилди. Омборхонада яна 120 тонна дон бор. Айтишчганимиз, иқтисодий аниқ мураккаблашган ҳозирги шароитда асосий умидимиз пахтадан келадиган даромадда. Зеро, бу йилги даромадимиз аниқ эинда бўлади.

И. ОТАҚУЛОВ, Пешку районидagi «Маданият» жамoa ҳўжалиги бошқарувининг раиси.



Узбекистон Халқ-Демократия партиясининг Дастури ва Низом лойиҳалари—умумхалқ муҳокамасида

ЧИНАКАМ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯ ЗАМИНИ

Узбекистон Халқ-Демократик партиясининг Дастури ва Низом лойиҳаларини ўрганаётган фуқароларни бир нарса кўпроқ қизиқтирарди. У ҳам бўлса Узбекистон Компартиясининг воқис сифатида дунёга келатган янги партия чинакам демократик тараққиёт йўлидан бора оладиган халқлик партия бўла оладими, деган масаладир. Албатта бу масала ечимни партиянинг таъсис қўрултоғида қабул қилинган Дастур ва Низом қандай бўлишига боғлиқ.

Шу маънода қаралганда Узбекистон Халқ-Демократик партиясининг Дастури ва Низом лойиҳалари Узбекистон Компартиясининг Дастури ва Низомдан тубдан фарқ қилиши равшан кўриниб турди. Лекин бу фарқ партия тубдан қайта қуриб, уни илгор тараққиёт партиясига айлантириш учун етарли эмас. Бунинг боиси Низом лойиҳасида Узбекистон Халқ-Демократик партиясининг таркибидagi гуруҳлар (фракциялар)ни тузиш мумкинлиги ёни йўқлиги ҳақида аниқ бир фикр айтилмаган. Буни ўрнига Низомнинг 7-ва 24-моддаларида партия гуруҳлари (фракциялари) бўлиши мумкинлиги шунчаки ишора қилинган, холос.

Менимча, биз Халқ-Демократик партиясининг чинакам демократик асосларда бўлишини истасак Низомнинг биринчи моддаси охирида «Партия аъзолари эътиборларига қараб партия эинда алоҳида гуруҳлар (фракциялар)га бirlаштириш мумкин» деган қоидадан ирритиш зарур. Бу қоидадан нақадар муҳимлигини кўпчилик ажиб билади, албатта. Чунки ички

демократиянинг йўқлиги, «Демократик централизм» деб номланган, амалда эса «централизм»дан иборат бўлган дастлабки принципнинг 70 йилдан эинроқ вақт мобайнидаги ҳўкмуридаги Коммунистик партияни ҳалокатга олиб келган барча демократик кучлар, шу жумладан сиёсий партиялар учун тарихнинг ачиқ сабоғи бўлиб қолгани керак.

Дарҳақиқат 1917 йилда большевикларни ҳўкимат тепасига олиб келган партияда иккита катта фракция ва қатор партия гуруҳлари мавжуд эди. Партияни ҳўкимат учун тайёрлаб, унинг интилобий кучга, В. И. Ленинни эса ҳақиқий йўлбошчига айлантирган ҳам фракциячилик кураши эди. Фракциячилик сиёсий партиялар учун ҳаракатлантирувчи куч эини ёниш механизмидаги партияга.

Партиядаги фракциячилик кураши партия викалларининг парламентдаги фракциячилик фаолияти учун кўрғазмалли ўқинчидир. Омдани демократик жараёнишларга, ақл ва тафаккурнинг ҳаётбахш жангига тайёрлашнинг ҳам эини сигналдан йўли фракциячилик ҳаракатидир. Агар партияимизда фракциячилик бўлмаса Низом лойиҳасининг 16-моддаси аввалда бўлгандек партия учун ҳалокатли принципга айланади. Чунки бу моддада «пар-

тия ташкилотлари ва сайланган органларда кўпчилик томонидан қабул қилинган қарор барча учун мажбурийдир», дейилган. Ҳеч бир партия аъзоси у қанчалик улуг сиёсатчи, олдинси қўрандиган сиёсий ариб бўлмасин янча тартибда, кўпчиликка қарши боролмайди ва борганда ҳам муқаррар равишда мағлубиятга учрайди. Ваҳоланки, ҳаётда етиб келатган воқеаларни бирваракайга барча партия аъзолари илғаб ололмайдилар. Илгор фикрлар дастлабига бир киши ёни бир гуруҳ кишилар томонидан айтилиши мумкин.

Афсуски, инсоният тарихида буюк шахсларнинг кўпчилиги ҳақиқат учун кураши қурбон бўлган ҳеч кимга сир эмас. Замоилар ўтиб биз уларга ҳайкалар қўйганимиздан но фойда. Ҳақиқатни оёқ эини қилиш учун албатта шу ҳақиқатни айтган олдани ўтда ёниш, сувга чўктириш, эиндондан қилиш шарт эмас. Уни кўпчилик бўлиб маскаралаш ҳам кирфи қилади. Академик Сахаровни бир оёқ кўрайлик. Ахир уни кўпчилик бўлиб қорондор қабул қилишга ўрганиб қолган, лекин бу қорондорнинг натижаси учун ҳеч қандай масъулият сезмайдиган бир тўла одамлар, фақат улар ўша кунни, ўша жойда қатнашувчиларнинг кўпчилигини ташкил қилган

«Узбекистон овози» ижрони текширади

БАҲОНА ЭМАС, КАРТОШКА КЕРАК

Рўзгоримизни картошкасиз тасаввур қилиш қийин. Шу тўғрисида ҳам аниқ кўнларда ҳаммада бир таъшир. У ҳам бўлса, қишлоқка картошкани қарам, қўнлини хотинга қилиш. Аммо бозордаги картошкани ҳамма ҳам харид қила олмайдилар. Чунки нархи қиммат.

Шундай пайтда ҳамма умид давлат етказиб берадиган картошкадан. Савадо тармоқларига кутилган маҳсулот кела бошлади. Масалан, Тошкент олабаст мевасабзавот ишлаб чиқариш бошқармасига қарашли хўжалик ҳисобидagi савдо ташкилоти раиси муовини Саидабар Юнусжоннинг айтишича, бу йил Россия билан тузилган шартномага мувофиқ аҳолига сотиш учун республикамизга 5350 тонна картошкани жўнатилди. Шунинг 3400 тоннаси етиб келди. У пешма-пеш савдо тармоқларига жўнатилаётган картошкани кўтарилиб кетганлиги аҳолининг эътирозига сабаб бўлган. Аммо маҳсулот етказиб берадиган унинг нархини ошириб юборишган. Биз олабастган картошкани тананархидан келиб чиққан ҳолда илгари борича уни арзонроқ сотишга ҳаракат қилишимиз.

Масалан, Янгийўл райони ва шаҳри савдо дўконларида Россиядан келтирилган картошкани 1 сўм 50 тийиндан сотишмоқда. Оҳангаронда эса нисби сўмдан сотиляпти.

Юқоридagi айтилгандек, келтирилган картошкани вагонлардан тушириб олиниши биланок тўғри савдога жўнатилаётганлиги тўғри та-

ФАХРИЙЛАР ФИКРИ

Ташкил этилаётган партия янги ҳўжатлари лойиҳаларида партия турмуши ва фаолиятининг баъан жиҳатлари эътибордан четда қолгандек туюлади.

Мен бундан ярим асра мундкам партия ва ҳўкуматнинг давлати билан Мир-ачўлга келган эдим. Ҳаммамани ҳам шу ерда намол топдик, ҳалол меҳнатимиз билан ўзимизга яраша обу-

эътиборли бўлди. Бир сўз билан айтганда, ҳаётимдан нолимайман. Фарзандларим ўсиб-ўлғайди, ҳаётда ўз йўларини топиб, эл-юрт хизматига қўрибдилар.

Ҳаттич ростки, мени бошқа нарса ўйлантиради. Биз — кексалар партия хоширодасини ҳамма нарсадан ҳам юқори қўйиб яшадик. Лекин биз қарангик, партия ўз ички ишларини ўз

аъзоларидан ҳаминша маҳфий тўтиб келганига эиндигина тушуниб етдик. Маана шу яра бора-бора газак отиб жуда катта фалокатларга олиб келди. Ҳўш, янги тузилаётган партия ана шу нуқсонларнинг қайтарилиш маслигини ўз бўйига ола биладими? Агар шундай бўлса, нима учун Низом лойиҳасида бу ҳақида деярли ҳеч нарса дейилмаган?

Менимча, шу ҳақида рўй-рост айтиш лозим. Партия марказий идораларининг оддий аъзолардан яширадиган ҳеч қандай сир бўлмаслиги керак. Шу мақсадда раҳбар ҳўдимларнинг кўпчилиги олдига берадиган ҳисоботлари илгаридек номинган, бирваракай томонидан эин берилган тайёр маърузани ўқиб беришдан янча иборат бўлиб қолмай, аксинча, бу ҳисобот тенг ҳўқуқли партиядош ўртоқлар олдидagi дил баён бўлсин. Бу фикр албатта Дастур ва Низомда ўз аксини топиши лозим.

Яна битта масала. Негадир мен Низом лойиҳасида, партиянинг ўз фахрийлари-

га қандай муносабатда бўлиши, уларнинг ҳўқуқ ва бурчлари ҳақидаги қарашлари ёни мажбуриятларини ўқинмадим. Наҳотки эиндигида бу масала четга суриб қўйилмаган бўлса? Менимча, бунга сира ҳам йўл қўйиб бўлмайди. Шунинг учун Низомнинг «Партия ва ёшлар» бўлиминдан сўнг «Фахрийлар муносабати» деган бўлимин ёни алоҳида бир моддан киритиб, унда партиянинг шу борадаги мақсадлари аниқ-равшан ахс эттирилиши зарур, деб ўйлайман.

С. ИСМОИЛОВ, уруш ва меҳнат фахрийси, Гулстон шаҳри.

ЎЗУВЧИ БИЛАН УЧРАШУВ

Фафур Гулом номли Сирдарё давлат педагогика институтда Ўзбекистон халқ ёзувчиси, «Шарқ Юлдузи» ойнама-сининг бош муҳаррири Уткир Хошимов билан қизқарли учрашуви бўлди.

Учрашувни Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидов олиб борди. Ўзбекистоннинг устозлари ва қаламкаш дўстларидан Саид Аҳмад, Озод Шарофиддинов, Умарали Норматов, Муҳаммад Али, Акрам Каттабеков, Умрзоқ Улжабоев ва бошқалар Уткир Хошимовнинг бо- сиб ўтган ижодий йўли, у ярат- ган асарлар ҳақида гапирди- лар. Юбиллярни 50 ёши билан табрикладилар.

Сўнгра ёзувчи Уткир Хоши- мов йиғилганларнинг саволла- рига жавоб қайтарди ва ўзи- нинг янги кичик асарларидан намуналар ўқиб берди.

А. УМАРОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.



Табиятга меҳр қўйган Темир Бобоқулов 37 йилдан буён бир касбада ишлаб келаётган. У «Хисор» қўриқхона- сида ўрмончи. Б. ИСМОИЛОВ олган сурат.

Ёднома

«Беафо умр экан ўтдик кетди, сув юзюда қалқанган жоноқи олмайди», — деб ёган эди кекайган дамларида отахон шорларимиздан бири. На илож! Бундан бошқа чора йўқ. Ленин кўрда ҳам умр бор. Эл-юртга, қариндош-уруғ, ёру ошнога наф келтириб ўтган умрга ҳавас қилсак арзийди. Бу- хоронинг Қомила Раҳмонова шундай умр кечирди. Раҳ- матли отаси Раҳмон апа ўзон йиллар давомида тракторчи- лик қилганди, муштинлар она- сн Адолат биби бўлса оддий колхозчи бўлган. Умири ҳал- ол меҳнат билан ўтган бу удуғ инсонлар фарзандлари Фаизлат, Қомила ва Жами- лаларни оқ ювиб, оқ тараш- ди, ўзларидек чин инсонлар қилиб тарбиялашди.

Фаизлат апа деҳқон бўлганди. Жамила аса ҳозир Шо- фирдон районидан Тезгузар қишлоқ Шўроси хотин-қиз- лар кенгаши раиси.

— Қомила опам 1957 — 1960 йилларда шу ерда раис- лик қилганлар, — деб эс- лайди Жамила Мусаева, — у кишининг халқ гаமிдан ўз- та гами йўқ эди.

— Хали ҳамон ёдимда, — сўнда давом этди у, — 1950—1954 йилларда опам бошчилик қилган пахтачилик зеноси гекаридан 45-60 центнердан хирмон қўтарган- ди. Шарафли меҳнат у ки- шининг обрўларини ошириб юборди. Халқ ишонч билди- рди, СССР Олий Кенгаши депутатлиги сайлади... Опам сайловчилар буюрган юмуш- ларни аъло даражада бана- пар эдилар.

— Мен «Ўзбекистон ово- зи»нинг доимий мухлисиман, — дейди пиллакаш Бурхон Муминов. — У мустақил жумҳуриятимиз ҳаётини тў- ри ва ҳолис ёритиб боради. Шу боис бу йил ҳам маъзур рўзномага бориқчилардан бў- либ ёзилди. Жами 82 сўм 32 тийинлик рўзномаларга обуна бўлди. Ҳаммасларин- мидан Алижон Аҳмедов, Солиҳ Халифқовалар ҳам «Ўз-

ЯХШИДАН ОТ ҚОЛАДИ



Шофирдон районидagi Тез- гузар қишлоқ Шўросига қа- рашли Иброҳим Муминов номли жамоа хўжалигида Қу- рама деган қишлоқ бор. Умр йўлини шу ердан бошлаган Қомила Раҳмонова Улуғ Ва-

Тез орада у қўпчиликнинг хурматига сазовор бўлди. Шу боисдан зенно бошлиқ- лигига тайинлашди. Қанча- лоқ мушкул бўлмасин қиз- лақ ўз вазифини қўнғилда- гидай бажаришга тиришди. Ҳа, ўша мудҳиш уруш ку- наларида Қомилахон сингари болалар ва ўсимларга осон бўлмаганди. Ишчи кучи, те- хника, минерал ўғит етиш- масди. Ленин фронт учун пахта ҳосили ноядек зарур эди.

Қомила Раҳмоновани тош- кентликлар ҳам жуда яхши билишди. У Калинин райо- нидagi «Тошкент» давлат хў- жалигида бўлиб бошқарув- чиси бўлиб ишлаганди. Қо- расув ва Бухоро паррандчи- лик фабрикаларида ҳам уни бот-бот эслаб туршди, она- хон бу корхоналарда ўзи- нинг камтарона меҳнати бил- ан обрў-эътибор қозонган- ди. Узон йиллик ҳалол меҳ- натлари эвазига К. Раҳмоно- ва Меҳнат Қизил Байроқ ва «Хурмат белгиси» орденла- ри, Жумҳурият Олий Кен- гаши Раёсатининг фахрий ёрлиги, Бутуниттifoқ халқ хўжалиги ютуқлари кўргаз- масининг медаллари билан мунофотланган эди.

Қомила Раҳмоновадан у амалга оширган сон-санонис- зулуғ ишлар, эзгуликлар, яқ- каю ягона ўғли Алишер ва суюкли наиралар қолди. Ях- шидан от қолади, деб шунга айтидилар-қола.

У. ЮСУПОВ. Қомила Раҳмонованинг ушбу суратини рассом Маҳмуд Жўраев чизган.

Куз фасли ҳам яримлаб қолди. Қўнда сузиб юрган пага-пага булуллар қўёш юзини яширишга ҳаракат қилляпти. Онда-сонда томчи- лаб ўтаётган ёмғир ҳам қиш- фасли яқинлашаётганидан дарак беришти. Бугунги иқ- тисодий қийинчиликларимиз- га қишки қийинчиликлар ҳам қўшилмасмикин? Рес- публикамиздаги энг йирин- санот шаҳри Тошкентда қиш мавсумига тайёргарлик ишлари қандай бормоқда?

Албатта, бу ишга мута- ссиди ташкилотлар, шаҳар ижроия комитети қўл қовшти- риб ўтирган йўқ. Шаҳар халқ ўзжалигининг барча тармоқлари қиш ойларида узоқини ишлашнинг таъмин- лаш мақсадида қатор тад- бирлар ишлаб чиқилган. Унда истеъмолчиларнинг ис- сиқлик, газ, электр ва сув билан таъминлаш, ижтимоий-маи- ший соҳа биноларини мав- сумга тайёрлаш ишлари қамраб олинган. Бу режалар қандай амалга ошириляёт- гани шаҳар ишчи гуруҳи мажлисларида район ижро- комлари, корхона, муассас- алар, вазириликлар, идора ва санот бирлашмалари раҳбарлари иштирокида бел- гиланган жадвал бўйича муҳофизат қилиб турилди.

Шу йилнинг 1 октябрга- ча мўлжалдаги қатор ишлар бажарилди. Чунки, 5 та қозонхона капитал соғалаш ишлари тугалланди. 6-қозон- хона капитал соғалаш ҳам қиш кунларида поёнига етказилди. Шунингдек, қишнинг маҳаллий қозонхоналар ка- питал ва жорий ремонт қи- ланди, 32 та тармоқ ва 25 та таъминловчи насослар соғаланди. Режаланган 300 тонна ўрнига 500 тонна ис- лота, 900 тонна ўрнига 1000 тонна туз ҳозирлаб қўйилди. Марказий иситиш тармоқла- рида умумий ҳажми 40 минг кубметр бўлган 6 та маъзу- рақабатчи фойдаланишга топширилди. «Маҳалла» ре- жаси ҳисобига 38 километр газ тармоқлари, Бакиская кўчаси бўйлаб Қуйбўшиқ шох кўчасидан Октябрь 10 йилнинг кўчасигача 1100 погон метр ўрта босимли газ қувурлари ётқизилди. Маи- ший газ асослари кўздан ҳезилди. Қиш ойларида энг зарур пайтда ишлатиш учун 150 тонна қисилган газ гамлаб қўйилди.

Маҳаллий кенгашларга қа- рашли уй-жойларда 308512 минг сумлик, кооператив уйларида аса 1,32 миллион сумлик капитал ремонт иш- лари бажарилди. Маҳаллий Кенгашларга қарашли 6176 та, 845 та кооператив уй- жой бинолари иситиш тар- моқларини мавсумга олдир- дан ҳозирлаш чора-тадбир- лари амалга оширилди.

Ленин қишга тайёргарлик бўйича айрим тадбирларни амалга ошириш ишлари суғат давом этмоқда. Бунинг боиси бор, албатта.

— Таъминот масаласи бугунги куннинг ўткир муам- моларидан бири, — дейди «Ўзтеплокоммуэнерго» иш- лаб чиқариш бирлашмаси- нинг ишлаб чиқариш тех- ника бўлими бошлиғи Абрам Моисеевич Каплин- ский. — Айниқса қувурлар етишмайпти. Бор йўғи 1582 тонна қувур ажратилди. Бу талаб этилганидан 709 тонна камдир. 40 тонна кальций карбиди ўрнига 20 тонна карбид олинди. Шунингдек пайвандлаш, юк кўтариш ва ер қазिश техникасига муҳ- тожмиз.

Замонавий база қурмоқ- дамиз. Бу аса санот усули- да эҳтиёт қисмлар, қувур- ларга қопламалар тайёрлаш имконини беради. Бироқ «Главташкентстрой» бўли- малари қўриқлиш материал- лари етишмайётгани учун бу

Новосибирскдаги Кульмин номли завод билан 1500 тонна қувур, Қозоғистон Уй-жой коммунал хўжалиги вазириги билан тузилган шартномалар бўйича 40 минг сумлик турли асбоб ус- куналар етказиб бериш ҳақи- да шартномалар тўзилди.

Бундан ташқари район ижроия қўмиталари ҳам ма- ҳаллий санот ташкилотлари орқали тўғридан-тўғри шарт- нома тузиб қўшимча моддий ресурс ва асбоб-ускуналар- ни қидириб топмоқдалар. Собир Раҳимов, Қуйбўшиқ, Чилонзор районлари ана шулар жумласидандир.

Ўтган йили баъзи район- ларда қиш фаслида анча қийинчиликлар юз бергани ҳеч кимга сир эмас. Айниқ- са 1-Иби Сино мавзеси аҳо-

лиши чўзиб юборишмоқда. Бундан ташқари беш ягона марказлашган иссиқлик таъминоти тизимига ва яго- на бошқарув диспетчерлиги- га эга бўлишнинг керак. Чунки бугунги кунда иссиқ- ликни ишлаб чиқариш, тран- спорт ва тақсимлаш тизимига тўртта диспетчерлик бош- қаруви бошчилик қилляпти. Бунинг натижасида иссиқ- лик тармоқларини бошқа- रिдаги теъдорлик суъай- моқда. Бундан аса таъми- нотчи қийналимоқда. Иш- жойларимизда меҳнат шариоти ёмон. Ваҳоланки бирлашма- мизда 2,5 мингга яқин киши меҳнат қилади. Яна бир муаммо. Биз иссиқлик тариф бўйича сотиб олиб, тариф бўйича сотмаймиз. Шунинг учун фойда қурма- ялмиз. Бунинг оқибатида хо- димларимизнинг янаш ша- роитини яхшилашга қодир эмасмиз. Уй-жой қуришга қўриқлиш етмайди. Ишчи- ларнинг дам олиши, яхши яшаш учун маиший шариот ярато олмаймиз. Шунинг учун ҳам бирлашмамизда қардлар қўнимчилиги сези- лоқмоқда.

Бошқарма бошлиғи ҳақ- гани айтиди. Ленин ижро- ком раҳбарлари бу масала- да хотиржамликка берил- масдан иложи борича мав- жуд аҳолини бартафот этишга интиломоқдалар. Бош- қа республикалардаги кор- началар билан бевосита ало- қалар, ўзаро мол алмашу- вин йўлга қўйиб, баъзи муам- моларини ҳал этишга маъмул даражада эришилмоқда, дейиш мумкин. Хабаровда- ги иситиш асбоб-ускуналари заводи билан шартнома ту- зилди. Улар 14,5 минг кило- ватт тонналик радиатор етказиб беришга ваъда беришди.

«Ташремстрой» трести- нинг 3-ремонт-қурилиш бош-

қармаси қурувчилари (бош- лиги йўра Мақсудов) ба- ҳорда иш бошлаган эдилар. Арзиманган баҳона билан ишни ўлда-ўлда қолдириб кетишди. Ўтган йили уй- миз декабрь ойида иситила бошлаганди. 5-уй-жойдан фойдаланиш идораси (бош- лиги Одил Солнев) ходим- ларнинг аса парвийн Фа- ланг, Ремонтчилар актига у ён-бу ёнча қарамасдан, қў- зарларни чирт юмиб имзо че- линиб юборардилар. Улар- нинг бу «тантани» лиқлари шу уйда истиқомат қилувчилар- га қимматга тушляпти. Мана, каналлаштиридан ертўлага сув тошиб етганига 10 кун бўлди. Уй-жойдан фойдала- ниш идорасига мурожаат қилсан, авария хизматида, авария хизматдагилар аса уй-жойдан фойдаланиш бош- қармасига солади. Хуллас, улар бор отанга, бор онаг- га қабилида иш тутляпти. Бундай аҳолга қачон чек қўйиларин?

Юқоридagi мисоллар шу- ни қўрсатадики, қишга ҳо- зирлик ишлари ҳамма ерда қўнғилдагидек деб бўлма- йди. Айниқса айрим уй-жой бинолари иситиш системала- рининг ремонт қилиш ишлари пайсалга солиляпти. Ҳаде- май қишли-қўрғилли кунлар бошланиди. Уйлайимиз, те- гишли ташкилотлар, халқ депутатлари район Кенгаши ижроия комитетлари фурсатин- юби бермасдан қишга тайёр- гарлик ишларини ҳар томон- лама авж олдирадлар, қиш мавсумида шаҳар хўжалиги бир маромад ишлашини таъминлаш учун бутун куч ва имкониятларини ишга со- ладилар.

М. МИРЗАМУҲАМЕДОВА, «Ўзбекистон овози» мух- бери.

Ўзбекистон овози

рўзномасига ёзилдингизми?

МУШТАРИЙНИНГ ҲАҚИ

Бозор иқтисодиётига ўтиш муштарийларини ҳам тежам- қор қилиб қўймоқда. Илгар 5—10 та нашла ёзилган га- зетхон бугун чериб-чертиб 1—2 рўзнома ёки ойнамага обуна бўляпти.

Албатта, бунини тушуниш керак. Зотан, нашла нархи осмонга чиқиб кетган бир пайтда ҳар ким ҳам аввал ўз чўнтағидagi пулини хи- собляди.

Илгарлари қайси рўзно- мага ёилишни қўйинча жа- моатчи обуна тарқатувчилар белгиларди. Энди аҳоли бу- тунлай бошқара. Қайси нашла- га ёилишни деди билади муштарийнинг ўзи танламоқ- да.

— Мен «Ўзбекистон ово- зи»нинг доимий мухлисиман, — дейди пиллакаш Бурхон Муминов. — У мустақил жумҳуриятимиз ҳаётини тў- ри ва ҳолис ёритиб боради. Шу боис бу йил ҳам маъзур рўзномага бориқчилардан бў- либ ёзилди. Жами 82 сўм 32 тийинлик рўзномаларга обуна бўлди. Ҳаммасларин- мидан Алижон Аҳмедов, Солиҳ Халифқовалар ҳам «Ўз-

ЭЪЛОН ВА БИЛДИРУВЛАР

ТОШКЕНТ ТУҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ОЛИЙ БИЛИМҲОҶИ кафедралар бўйича: профессор-ўқитувчилар таркибидagi бўш лавозимларга

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ Мудирлар: чет тиллар; профессор: фалсафа; доцентлар: фалсафа (2), амалий математика, чизмачи- лик ва чизма геометрия, материаллар қаршилиги, толали материалларнинг механикавий технологияси, машиналар деталлари ва ПТУ (3), тўқимачилик материалшўнослиги (2), пахта тозалаш санотининг машина ва аппаратлари, табиий толалар ва пахта толасини йиғириш, тўқимачилик, трикотаж технологияси, тикувчилик саноти технологияси, тикувчилик буюмларини конструкциялаш, чарм буюмлар технологияси, машинасозлик ва конструкцияли материал- лар технологияси, тўқимачилик саноти иқтисоди ва уни ташкил этиш, пахта тозалаш саноти иқтисоди ва уни ташкил этиш, пардозлаш саноти ишлаб чиқаришнинг кимёвий технологияси ва ускуналари (3), сиёсий тарих (1 ва 0,25); катта ўқитувчилар: сиёсий иқтисод, фалсафа, чизмачилик ва чизма геометрия, технология жараёндарини автомат- лаштириш, ПТУ машиналарнинг деталлари, пахта тоза- лаш саноти иқтисоди ва уни ташкил этиш, жисмоний тар- бия; ассистентлар: рус тили, олий математика, физика (2), толали материалларнинг механикавий технологияси, ти- кувчилик буюмларини конструкциялаш, тўқимачилик са- ноати машиналари ва аппаратлари, жисмоний тарбия (2).

НАМАНГАН ФИЛИАЛИ БУЙИЧА: мудирлар: тўқимачилик санотини режалаш ва бошқа- рини ташкил этиш, тўқимачилик машиналари; доцентлар: тўқимачилик саноти технологияси, пахта ва химиявий толаларни йиғириш (2), умумтехника фанла- ри (2), ижтимоий фанлар; катта ўқитувчилар: тўқимачилик машиналари; ассистент: чет тиллар. Танлов мурати — эълон чиққан кундан бошлаб бир ой. Манзилгоҳ: Тошкент шаҳри, 100-алока бўлими, Горбу- нов кўчаси, 5-уй.

«КАФОЛАТ» ФИРМАСИ (700043, Тошкент шаҳри, К. Ерматов кўчаси, 12-уй. Телефонлар: 45-82-40, 45-82-36, 45-82-36, телетаъин: 116006 ТИГМА)

ИХТИЕРИДА фойдаланувчиларнинг эътиборини қозонган ишончли дастурлар комплексини яратишга қодир бўлган ҳамда энг замонавий ва самарали дастурлаштириш воситалари- дан фойдаланувчи юксак насбий маҳорат соҳиб бўлган дастурий таъминотни ишлаб чиқарувчилар МАВЖУД. Қўйидаги дастурлар комплексларини

ТАВСИЯ ЭТАДИ: Автомобиль йўлларини лойиҳалаштирувчи автомат- лаштирилган ишчи ўрни. «Технолог» ишлаб чиқаришнинг технологик тайёр- лаш автоматлаштирилган системаси. Ишлаб чиқаришнинг автоматлаштириш системаси. Меҳнат ва иш ҳақини ҳисобга олиш. Ассосий маблағларни ҳисобга олиш. Моддий бойликларни ва таъминотчилар билан бўлади- ган ҳисоб-китобларни ҳисобга олиш. Ойбоғлардаги мол айланшини ҳисобга олиш. Металлар тур ва мол топширувчилар нуқтаи назари- дан мол топширилишини ҳисобга олиш. Металларнинг истеъмолчиларга жўнатилишини ҳисоб- га олиш. Қадрларни ҳисобга олиш. Корхонанинг ассосий қўрсаткичлари бўйича режанинг бажарилишини ҳисобга олиш. Фойдаланувчиларга иш усуллари ва дастурлаштириш асосларини ўргатишни ТАШКИЛ ҚИЛАДИ. Ишланмаларнинг КАФОЛАТЛАЙДИ. Фойдаланувчи томондан ишланмаларнинг жорий эти- лиши устидан муаллиф назоратини ТАЪМИНЛАЙДИ. Зарур ҳисоблаш техникасини харид қилишга ҚЎМАК- ЛАШАДИ.

«КАФОЛАТ» корхонаси Сизнинг ташкилотиңиз билан яқиндан ҳамкорлик қилишга умид боғляйди! «БИККС-АЛИНА» УЮШМАСИ. «Союзреклама» Акционерлик жамиятининг «САРБОН» Ўзбекистон реклама агентлиги.

Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамаси ҳузурида- ги Армия сафидан ташқари хизматлар бўйича махсус бош- қарма жамоаси Ўзбекистон Рес- публикаси Мудофаа ишлари бўйича вазири Р. А. Ҳамидовга отаси

Урмон АҲМЕДОВНИНГ вафот этганлиги муносабати билан чўқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Телевидениеси ва радиоэшиттириш давлат қўми- таси, жумҳурият радиоси жа- моаси Ешлар учун эшиттириш- лар Бош муҳарриратининг бў- лим бошлиғи К. Мирзааҳмедов- га отаси

Гуломиддин МИРЗААҲМАД УЎЛГИНИНГ вафот этганлиги муносабати билан чўқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент Давлат университетининг амалий математика ва механика факультети жамоаси амалий статистика ва жамаи- дар тадқиқоти кафедраси ходи- ми Ш. Ирисметовга отаси

Малик ИРИСМЕТОВНИНГ вафот этганлиги муносабати билан чўқур таъзия изҳор қилади.

Жумҳурият Теленурсатув Маркази жамоаси тасвиричи И. Шоиновга отаси

Шоинов ШОМИРОВНИНГ вафот этганлиги муносабати билан чўқур таъзия изҳор қилади.

БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700000, Тошкент—ГСП, Ленинград кўчаси, 32.

БУЛИМЛАР: муштарийлар фирмининг ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 33-54-55, 33-53-16, 33-53-21, 33-11-49, 33-54-06; қай- та қуриш ва ижтимоий адолат — 33-55-70, 33-53-20; партия турмуши, советлар ҳаёти, назария ва мафкура — 33-34-69, 33-33-95, 32-53-97, 32-57-19, 32-54-18; санот, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 33-81-48, 32-53-14, 32-54-07; деҳқончи- лик саноти — 33-76-04, 33-07-20, 33-53-15, 33-53-70; иқтисодий ва ҳаёт — 33-12-16, 33-57-20; фан, маданият ва халқ таълим- и — 33-44-51, 32-57-21; адабиёт, санъат, тил ва публицистика — 33-20-36, 33-12-56, 32-54-35, 32-53-16; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 33-14-24, 32-55-17; аҳоли-оқоёб — 32-54-29; фелетонлар — 32-54-27; безатил — 32-57-22. ҲАММАНДА: 3-25-79, Наманганда — 4-48-85, Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-63-48, Жиззахда — 3-31-86, Қар- шида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 33-25-90, Тошкентда — 33-53-20, Урганчада — 4-80-04, Фарғонада — 6-90-89.

МУАССИС: «ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ЖУРНАЛИСТЛАРИНИНГ ЖАМОАСИ

Нашр қўрсаткичи 64583. Буюртма № 6121. Босишга топшириш вақти — 21.00. Босишга топширилди—20.00. № 201.